



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 19 февраль, № 35 (5965)

Чоршанба

МАҲАЛЛА —

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш гоёси илгари сурилган бўлиб, ўтган даврда бу борада салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди. Аввало, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, унинг ҳуқуқий асоси яратилгани, бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналар ҳамда ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига мос ҳуқуқий кафолатлар кўчатирилганини айтиш зарур. Натижада юртимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес жадал ривожланмоқда, янги иш ўринлари очилиб, аҳоли турмуш даражаси янада юксалишига эришилмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган "Бекобод" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, тадбиркорлар фаолияти билан танишиш асносида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. — Маҳалламизда 3 минг 500 нафарга яқин аҳоли яшайди, муҳими, уларнинг аксарияти тадбиркорлик соҳасида банд, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Маҳмудова. — Худуднинг ўзига хос имкониятлари ва одамлар қизиқишидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётгани амалда ўзини оқламоқда. Айни чоғда бу ерда дурадгорлик, тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги,

мебель цехлари ишлаб турибди. Уларнинг умумий сони 20 тага етиб қолди. Яна ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда савдо марказлари аҳоли хизматида. Эътиборлиси, уларнинг барчасида маҳалламизнинг 200 нафарга яқин ўғил-қизлари меҳнат қилиб, оиласига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтирмоқда. Масалан, "Маҳалла муруввати" масъулияти чекланган жамиятида 50 нафар хотин-қиз фаолият юритапти. Улар тикаётган бир неча турдаги кийим-кечалар буюртмачи корхона ва ташкилотларга етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРЪ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ Кўриб чиқдилар

18 февраль куни депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси навбатдаги мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.

Парламент аъзолари биринчи ўқишда киритилаётган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида тақлиф этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида асослаб берилган эди.

Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Унда сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ва хорижда юз бераётган воқеалар ҳақидаги фикрларнинг хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомили белгилаб берилмоқда, давлат органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш масалалари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини таъминлашдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигини оширишдан, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот тарқатиш тартибини белгилашдан иборат қонуннинг асосий вазифалари белгиланган.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий

(Давоми 2-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

Самарқанд вилоятида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ёшлар билан очиқ мулоқот

Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ ҳамда Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги бир қатор олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари билан ўтказилган "Иқтидорли ёшлар — кудратли мамлакат таянчи" шiori остидаги очиқ мулоқотларда вилоятнинг турли ҳудудларидан тақлиф қилинган навқирон авлод вакиллари иштирок этди. Улар дастлаб Самарқанд автомобиль заводи фаолияти, жумладан, бу ердаги шарт-шароитлар, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида коллеж битирувчиларига касб ўргатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

— Бундай учрашувлар тенгдошларимизга бўлажак иш жойларини аниқлаб олишларида кўл келмоқда, — дейди Самарқанд автомобил-созлик коллежи ўқувчиси Жавоҳир Ражабов. — Ўзим мисолида айтсам, таълим жараёнида амалиётни ушбу заводда ўтадим. Коллежни тамомлаганимдан сўнг шу ерда ишламоқчиман.

Кейинги йилларда вилоятда ёшларнинг, хусусан, коллеж битирувчиларининг ишбилармонлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилда ушбу мақсадлар учун 18,7 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яқинда ёшларнинг жамиятда фаоллигини оширишга ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай тадбирларни вилоятнинг ҳар бири туман ва шаҳарларида мунтазам ўтказиш борасида махсус дастур қабул қилинди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий спорт мажмуалари

фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб
улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, эртамиз эгаларини ҳар жиҳатдан қолдириб қилиб вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни омаллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантириш мақсадида мамлакатимизда кўламини берувчи сертификатлар топширилди. Айниқса, ёшларнинг саноат, хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган бизнес лойиҳалари тақдими шўқин тус олди.

Бугун қайси шаҳар, туман ёки олимп қишлоқ ҳудудига борманг, кўркам ижтимоий-маиший бинолар қаторида бири-биридан худудларини муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва бошқа шу каби иншоотларга

қўзингиз тушади. Уларда минглаб болаларнинг ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланаётгани ҳавасингизни келтиради. Давлатимиз раҳбари-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

лар давомида эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофдаги фикр юритди.

"Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда".

(Давоми 4-бетда).

ЭЪТИБОР

2013 йилда мамлакатимизда болалар спорти объекти, музика ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун

210 миллиард
400 миллион сўм
маблағ йўналтирилди.

нинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаш-

Яқинда Оксаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йил-

хабарлар

Тўртқўллик тадбиркор Аҳмаджон Отажонов иккитамчи хом ашёни қайта эшитиб, салмоқли даромад олмақда.

Қайта ишлашдан катта даромад

— Хориждан 137 минг АҚШ долларлик замонавий технологияни келтириб ўрнатгач, гиламдўзлик ва тикувчилик корхоналарида чиқитга чиқариладиган иккитамчи хом ашёдан сунъий киғиз ва ватина тайёрлашни ўзлаштирдик, — дейди "Марфа-Шерзод" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Отажонов. — Кўп ўтмай, буюртмачилари-

мизга дастлабки 150 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришга эришдик. Айни пайтда тадбиркор 210 миллион сўмлик яна бир илғор усқунани ўрнатиб ҳаракатида. Йилгирмата иш ўрни ташкил этиш имконини берувчи мазкур лойиҳа полипропилен қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Интернет орқали рўйхатдан ўтади

Жорий йилдан бошлаб Гулистон шаҳрида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш интернет тармоғи орқали ҳам амалга ошириладиган бўлди.

Бунинг учун шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига ариза-хабарнома ва бошқа зарур ҳужжатлар электрон тарзда тақдим этилиши лозим. Мазкур жараёнда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)дан фойдаланилади. — Электрон хизматнинг афзалликлари кўп, — дейди Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Баҳодир Ибодуллоев. — Бунга кўра, тақдим этилган ариза инспекцияга келиб тушгач, тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома электрон имзодан фойдаланилган ҳолда яна шу тарзда ҳужжат эгасига етказилади. Айни чоғда реал вақт режимида тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловчининг идентификация рақами, корхона ва ташкилотларни тасдиқловчи маҳсус код берилишини ҳам тегишли идоравий сайтлар орқали амалга ошириш имконияти яратилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган йили Бухоро вилоятида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхоналарни модернизациялаш юмушларига 44,9 миллиард сўмлик хорижий сармоя йўналтирилди. Бу юртимизда қўлай инвестиция муҳити яратилгани самараси, албатта.

Илғор технологиялар асосида

Ана шундай саяёҳаракатлар натижасида аҳоли тигиз яшайдиган Бухоро тумани саноат харитасида яна бир ишлаб чиқариш субъекти — хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган "Бухоро-Шиньжон" қўшма корхонаси фаолият бошлади. Трикотаж полотноси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур тармоқни замонавий технологик линия

билан жиҳозлашда чет эллик сармоядорлар томонидан киритилган 627 миллион сўмлик инвестиция қўл келди. Йилига 300 тонна газлама ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу қўшма корхона шарофати билан йигирма нафар маҳаллий йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Депутатлар, сиёсий партиялар, ННТ, ОАВ вакиллари ҳуқуқий эксперимент тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этдилар.

Ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши амалиётда шуни яна бир бор ишончли тарзда кўрсатдики, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш механизмларини кенгайтиради, шу билан бир қаторда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини кўп жиҳатдан оширади. Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Қонун лойиҳасида очиклини таъминлаш бўйича фаолиятни мақбуллашти-

риш ва бир хиллаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги қонунбузарлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирларини белгилаш жараёнларини бундан кейин ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида раҳбарларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари рўйхатини белгилаш масаласини аниқроқ ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритилди. Сиёсий партиялар фракцияларининг аъзолари қабул қилинаётган қонун лойиҳаси жамият ҳаёти янада демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари учун ўта муҳимлигини, шунингдек, қонун лойиҳаси концепцияси мамлакатимиз сиёсий партияларининг асосий дастурий ҳужжатларига мувофиқлигини қайд этдилар.

Барча таклифлар ҳар томонлама муҳокама этилгандан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул қўмитага топширди.

Шундан кейин депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексида кўшимчалар кири-

тиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳасида хўжалик суд ишларини юретишни янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш ва харажатларини камайтириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланишининг ҳуқуқий нормалари белгилаб берилган.

Мунозараларда бугун хўжалик-процессуал қонунчилик ҳужжатларида видеоконференция-алоқа тизимларидан фойдаланиш орқали мажлислар ўтказиш имконияти ҳали ҳам назарда тутилмаганлиги билдирилди. Амалдаги нормаларга мувофиқ ишларни кўриб чиқиш ишни кўриб чиқувчи суд жойлашган ерда ўтказиладиган суд мажлисида амалга оширилади. Бундай тартиб суд жойлашган ердан бошқа ҳудудда жойлашган тарафларнинг, иш кассацион инстанция судида кўриб чиқилганда эса, иккала тарафнинг кўп вақти ва маблағлари сарфланиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгаришларнинг киритилиши ушбу жараён иштирокчиларига, шу жумладан, судда иши кўриб чиқилаётган, бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига ўзлари жойлашган ҳудуддан

чиқмаган ҳолда суд жараёнида иштирок этиш, уларнинг молиявий ва вақт билан боғлиқ харажатларини камайтириш имкониятини беради.

Депутатлар таъкидлади-ларки, умуман, видеоконференция-алоқа тизимининг жорий этилиши суд орқали химоя қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулайроқ шарт-шароитлар яратиш беради, одил судловни таъминлайди, шунингдек, бутун хўжалик судлари тизимининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият устидан назорат қилишда Олий хўжалик суди фаолиятининг самардорлигини оширади.

Шундан сўнг Қонунчилик палатаси мажлисида кун тартибининг кейинги банди кўриб чиқилди. Маълумки, 2013 йил 28 декабрда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган ташаббусларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кирди. Амалдаги қонун ҳужжатларини қабул қилинган Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббускор гуруҳи томонидан "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжат-

ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланди. Қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутмоқда.

Умуман олганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нормалар ва қоидаларнинг номувофиқлигига барқарор бериш, ҳуқуқий тартибга солишининг, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни атамалар ва таърифларни қўллашнинг бир хиллигини таъминлаш имконини яратади.

Саволларга жавоб берилгандан кейин қонун лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама этилгандан сўнг депутатлар уни концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мажлисида Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, янги тахрирдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати.

МАҲАЛЛА

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Айни пайтда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, маҳалламизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказини ташкил этдик.

— Соғлом бола йилда ҳам маҳалламизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турларини ривожлантиришга кўмаклашиш ва шу соҳага аҳолини кенг жалб этиш мақсадида пухта режа ишлаб чиқдик, — дейди фуқаролар йиғининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси раиси Исмомил Алимов. — Режа доирасида маслаҳат марказида тадбиркорлик қилмоқчи бўлган фуқароларга соҳага оид қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар очилди, уларга кредит олишга кўмаклашиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам бериш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширамиз.

— Шу кунларда фаолиятимизни янада кенгайтириш ҳаракатида-миз, — дейди "Маҳалла муруввати" МЧЖ раҳбари Муҳаммадали Ирисалиев. — Бу ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда ходимларнинг сони янада ошади, деганидир. Бу борада бизга маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари яқин ҳамкор ва маслаҳатчи бўлиб келаётди.

Аминовлар оиласига тегишли тивувчилик цехи маҳалла ахли орасида анча машҳур. Ўтган йили

иш бошлаган бу кичик корхонада 6 нафар аёл самарали меҳнат қилаётди. Муҳими, улар томонидан тайёрланаётган етти турдаги кийим-бош харидорларга манзур бўлмоқда. Хонадон аъзоларининг келгуси режаси ҳам тахсинга лойиқ. Гап шундаки, улар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда иш ўринларини икки баравар кўпайтириш ишларини бошлаб юборишган.

Маҳалла фаоллари Шокировлар хонадонига тегишли меъбел ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган цех ҳақида ҳам илқ фикрларни билдиришди. Бозор талабидан келиб чиқиб ташкил этилган кичик корхонада, асосан, коллеж битирувчилари томонидан турли дизайндаги стол ва стуллар тайёрланмоқда.

Умуман, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес фаолиятининг изчил тараққийотини юртимиздаги ҳар бир маҳаллада кузатиш мумкин. Дарҳақиқат, республикамиздаги 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида ўнлаб ана шундай тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётганлигидан келиб чиқиб, уларнинг юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги улушини тасаввур қилиш қийин эмас.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор тараққий топтириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини оширишда тобора катта роль ўйнамоқда.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёда" ҳайкали олдида Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисмларидан бирида белгиланган хизмат мўддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни тантанали равишда уйига кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ватан олдидаги муқаддас бурчини намунали ўтаган аскарларга фахрий ёрлиқлар, ҳарбий қисм қўмондонлигининг олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш имконини берувчи тавсияномалари топширилди.

● Тошкент темир йўл муҳандислари институтида гивҳандлик ва одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини янада ошириш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

● Наманган шаҳрида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда макур ҳаракатнинг вилоят кенгашининг янги таркиби сайланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хобарлари асосида тайёрланди.

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ГАРОВИ

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида юқори ўсиш суръатлари кузатилаётгани, табиийки, ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш, инвестицияларнинг изчил жалб этилаётгани билан бевосита боғлиқдир.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Айталик, Хоразм вилоятида ўтган йили sanoat, хизматлар кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари бўйича 147 миллион АҚШ долларилек 1576 та лойиҳа амалга оширилгани шундай сай-ҳаракатлар самарасидир. Таъкидлаш жоизки, воҳадаги бу каби янгилашлар жараёни Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги "2013 — 2015 йил-

ларда Хоразм вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қароридан сўнг янги босқичга кўтарилди. Негаки, макур ҳужжатда вилоят иқтисодиётини юксалтиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси эндиликда ўз натижасини бермоқда.

Ургачн шаҳридаги "Darital shoes" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти

бунга мисол бўла олади. Гап шундаки, макур оёқ кийимлари, эркақлар ва ўсмирлар пойабзаллари ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган макур корхонада хорижийдан қолиш-майдиган сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Мавжуд цехлар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида йилига 100 минг жуфт



пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 60 нафардан зиёд ёш мутахассислар томонидан бозор талабларидан келиб чиқиб, ўтган йили 36 минг жуфт, 1 миллиард 500 миллион сўмлик пойабзал тайёрланган бўлса, шундан 33 минг АҚШ долларилек маҳсулот хорижий харидорларга сотилди.

Жамонинг бундай ижобий натижага эришишида корхонада босқичма-босқич амалга оширилаётган модернизациялаш тадбирлари, айниқса, кўл келмоқда.

Масалан, 2009 йилнинг июль ойида иш бошлаган корхонада шу кунгача 400 минг АҚШ доллари ва 320 миллион сўм микдорда инвестициялар ўзлаштирилди. Ушбу маблағга эса янги дастоҳ ва бутловчи қисмлар харид қилинди, бўш

турган бинолар қайта таъмирланиб, жойларда савдо марказлари барпо этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, маҳсулот ишлаб чиқаришда тўлиқ ўзимизнинг табиий чармдан фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотнинг сифатли ва арзон бўлишини таъминлаётди.

Ҳозирги кунда Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятнинг учта туманида корхонанинг савдо дўконлари ишлаб турибди.

Қисқаси, жамоа фаолиятида янгиликка интилиш ва ташаббускорлик ўз натижасини кўрсатмоқда. Демак, келгусида улар кўлга қиратадиган ютуқлар янада кўپайди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.



Фикр ва тажриба алмашилди

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда қатор жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Европа Иттифоқининг Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида кам таъминланган оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича лойиҳасини амалга ошириб келмоқда.

АЁЛ. ОИЛА. ЖАМИЯТ

Мазкур лойиҳа Италия, Литва, Испания давлатларидаги ҳамкорлар билан бирга ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Унинг мақсади аёллар-

нинг иқтисодий имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда бу борада танлаб олинган маҳалла фуқаролар йиғинлари ва жамоат ташкилотлари

вакилларининг салоҳиятини юксалтиришга қаратилган бўлиб, бу, ўз навбатида, аёллар ва ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларида, пировардида уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис лойиҳа доирасида бир қатор семинар-тренинглр ўтказиш кўзда тутилган.

Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар-тренинг но-

давлат нотижорат ташкилотларини самарали бошқариш масалаларига бағишланди. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилишининг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар

мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Ўқув машғулотида шулар ҳусусида сўз юритилиб, нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, бунинг учун ташкилотда кўнгилчилар фаолиятини йўлга қўйиш, стратегик режалаштириш ва лойиҳаларни бошқариш бўйича зарур маълумотлар берилди. Бу, ўз навбатида, ННТчи самарали бошқариш бўйича иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ёрдам беради, макур йўналишларда фикр

ва тажриба алмашинувиға имкон яратади. — Семинар-тренингда маҳалла, худудий хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг 25 нафар вакили малакаси оширилади, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи етакчи мутахассиси М. Усмонова. — Унда асосий эътибор ушбу маҳаллаларда "Ахборот ойнаси"ни ташкил этиш, аҳолига тадбиркорлик асослари ва микрокредитлаштириш бўйича ахборот ва таълим хизматларини кўрсатиш, бизнес-лойиҳалар ишлаб чиқиш масалаларига қаратилди. Бу эса, шубҳасиз, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга.

Зиёда АШУРОВА.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ
БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ,
КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР,
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР,
КЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2013/2014 ўқув йилида университетни битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг 20 февралидан 20 мартгача «Ёш мутахассис — 2014» тадбири ўтказилишини эълон қилади.



Ушбу тадбир орқали университетда назарий-амалий билимларни мукамал эгаллаган, иш фаолиятини замонавий техника ва технологиялар ёрдамида бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қила оладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин. Университет раҳбарияти юсак интеллектуал салоҳиятга эга ёш мутахассислар ташкилотингиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонади.

Маълумот учун телефон: (8-371) 246-62-15. Факс: (8-371) 246-83-43.

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети. www.nuu.uz, marketing_nuuz@mail.ru

2013/2014 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

БАКАЛАВРИАТ

Т/р	Таълим коди	Таълим йўналишлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навобой	Наманган	Самарканд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1.	5141500	Миллий истиқлол ғояси ҳуқуқ ва маънавият асослари	66			1				1	13	6	9	3	10	18	6
2.	5210200	Санъатшунослик	32	1		2	2	1			5	1	4		1	9	5
3.	5220100	Филология ва тилларни ўқитиш:															
4.		Ўзбек тили	93	2	3	2	7	8	4	5	11	2	8	6	4	18	13
5.		Нутқ маданияти ва нотқлиги	27		1	1	1		2	2	1	2	2	1	1	10	6
6.		Инглиз тили	60	5	1	4	1		2	5	3	2	6	2	3	6	18
7.		Француз тили	24	1	1	1			1	1	2	2	2		2	4	8
8.		Рус тили	38	1	1		1		2	2	2	2	4	1	1	8	13
9.		Рус тили ва адабиёти	25		1				1	1	2	1	1	1	2	3	12
10.		Немис тили	25			1	1	1	1	1	2	1	2	2	2	6	7
11.		Хитой тили	30	2	1		2	2	1	2	2	1	2	2	2	6	5
12.	5140100	Математика	83	3	3	3	4	3	4	4	13	8	8	2	6	13	9
13.	5220200	Тарих	102	6	6	6	3	5	4	5	7	6	8	5	4	21	16
14.	5220300	Фалсафа	28		1	1	1	1	1	1	1	1	1		2	5	12
15.	5220800	Археология	18		1	1	1		1	1	1	1	1	1	1	4	6
16.	5310200	Психология	64	1	1	2	2	3	4	4	9	1	6	1	2	12	16
17.	5310300	Социология	29		1	1	1	2	3	2	2	1	2	1	2	4	8
18.	5320100	Журналистика	92	3	3	6	4	2	3	5	6	5	8	6	8	17	16
19.	5320300	Архившунослик	38	1	2	2	2	3	1	1	2	3	1	3	9	8	8
20.	5340100	Иқтисодиёт	115	4	3	4	4	7	9	9	12	7	9	8	7	13	19
21.	5340100	Бизнесни бошқариш	27	1	1	1	1	1	1	1	2	1	1	1	1	9	8
22.	5380100	Юриспруденция	71	3	3	7	4	6	9	1	2	6	8	4	3	8	10
23.	5420100	Биология	146	3	4	12	6	6	4	6	16	9	13	4	14	26	23
24.	5520100	Ижтимоий иш	25		1	1		2	2	1	1	1	2	2	5	8	8
25.	5520101	Ижтимоий (пенсия иши)	22	1		2	1	1	1	1	1	1	2		4	9	9
26.	5440100	Физика	114	6	5	4	3	5	2	6	11	9	10	2	9	23	19
27.	5440100	Механика	22	3		2		1	2	1	1	1	1	1	1	5	4
28.	5440300	Астрономия	18		1	1			1	1	1	1	2		2	5	3
29.	5440400	Кимё	111	5	2	4	1	3	1	7	6	2	10	9	14	21	26
30.	5440500	География	58	2	1	3	1	2	3	6	4	3	4	5	2	9	13
31.	5440600	Гидрометеорология	40	1	1	2	1	2	1	2	5	1	4	2	3	6	9
32.	5440700	Геология	42	1	2	3	3	4	2	1	7	2	3	2	4	6	5
33.	5480100	Амалий математика ва информатика	86	3	4	3	5	4	4	5	6	5	9	6	3	13	16
34.	5521900	Ихтиология	26		1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	1	7	10
35.	5540100	Геодезия, картография ва кадастр	71	1	3	5	3	4	5	3	3	3	6	4	6	12	13
36.	5620100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	31	1				1	2	2	2	1	5	3	3	6	10
37.	5441200	Геохимё	38		2	2	2	1	3	2	2	2	3	2	4	6	7
38.	5441000	Геофизика	27		1	3	4	3	4	1	5	1	1	1	1	1	3
		Жами	1964	58	59	93	70	90	85	100	172	90	173	81	136	358	399

МАГИСТРАТУРА

Т/р	Таълим коди	Таълим йўналишлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навобой	Наманган	Самарканд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1.	5A111601	Маънавият асослари	8		1		1				2			1		2	1
2.	5A120101	Адабиётшунослик (тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича):															
3.		Рус адабиёти	6						1				1				4
4.		Ўзбек адабиёти	8			1		1	2		1				1	1	1
5.		Лингвистика (тиллар бўйича):															
6.		Ўзбек тили	10			1		1		1		1			1	3	2
7.		Инглиз тили	14		1				2						1	2	7
8.	5A120201	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	7		1	1		1		1	1			1	1	1	1
9.	5A120301	Ўзбекистон тарихи	8	1		1			1	1	1	1	1			2	1
10.	5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)	6				1	1	1	1	1	1	1			1	1
11.	5A120303	Давлат бошқаруви ва ҳудудий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича)	7	1	1		1		1	1						1	2
12.	5A120304	Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича)	7		1				1		1		1		1	1	1
13.	5A120401	Археология	7	1			1		1	1	1		1	1		1	1
14.	5A120402	Этнология, ижтимоий (маданий) антропология	7		1	1		1	1	1		1	1			1	1
15.	5A120501	Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)	8		1				1	1	1	1	1		1	1	1
16.	5A120502	Фалсафа (қўллаш соҳаси)	10			1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
17.	5A120503	Этика ва эстетика	5	1		1	1	1	1	1	1	1	1			1	1
18.	5A130101	Математика (йўналишлар бўйича)	21	2	1	2	3	1	1	1	1	1	1		3	4	1
19.	5A130102	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	8	1		1		1	1	1	2		1			1	1
20.	5A130103	Математик физика	10			2		2			3		1		2	1	1
21.	5A130202	Амалий математика ва ахборот технологиялари	15	1		1	1	2	1	1	1	1	1			1	2
22.	5A140101	Биология (фан йўналишлари бўйича)	27		1	1	2	1	2	2	3		6		2	7	7
23.	5A140102	Тиббий микробиология ва вирусология (фан йўналиши)	6					1	1				1		2	3	3
24.	5A140103	Ихтиология ва гидробиология	5						1	1		2	1		2	2	2
25.	5A140104	Биотехнология	6			1			1	1			1			2	1
26.	5A140105	Биофизика	6	1					1				1			1	3
27.	5A140106	Биоимё	6						1		1		1			1	4
28.	5A140107	Генетика	7						1			2	2			2	2
29.	5A140202	Физика (йўналишлар бўйича)	20	2	2	2		2	2	2				4		6	2
30.	5A140203	Гелиофизика ва кўёш энергиясидан фойдаланиш	6				1	1	1	1			1			1	1
31.	5A140204	Конденсацияланган мухитлар физикаси	9			1		1	1	1	1	1	1		1	2	1
32.	5A140205	Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси	8	1	1	1		1	1	1	1	2	1		1	1	2
33.	5A140302	Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси	5	1					1		1	2	2			1	1
34.	5A140401	Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича)	5						1				2			1	2
35.	5A140501	Кимё (фан йўналиши бўйича)	42	2	3	5	3	4	3	2	2	2	3	2	1	5	7
36.	5A140503	Нефть ва табиий газ кимёси	11		1	1	1	1	1	3	2	1	1	1	1	1	2
37.	5A140701	Метеорология ва иқлимшунослик (фаолият тури															

